

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 4

Наманган шахри

"\_24\_" Август 2022 йил.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Наманган шахар 40-сонли Санатория типидagi мактаб-интернати номидан устав асосида иш кўрувчи директор А.Абдулхаев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «NODIR QURILISH TA`MIR shuba korxonasi» номидан устав асосида иш кўрувчи раҳбари Ф.Ибрагимов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини куйдагилар хақида туздилар.

**I. ТАРИФЛАР**

1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига (таъмирлаш) ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

2. Пудратчи мазкур шартнома мактаб-интернатни биносини жорий таъмирлаш лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш бўйича қурилиш (таъмирлаш) ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш (таъмирлаш) ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ**

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **144 990 137 (бир юз кирк турт миллион туккиз юз туксон минг бир юз уттиз етти)** сумми ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш (таъмирлашга) қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш (таъмирлашга) муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда сметага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

сметага мувофиқ қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш ( таъмирлаш)таваккалчиликларини сугурта қилиш;  
мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолат имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзиға тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;  
қурилиш ( таъмирлаш)майдони қўриқланишини таъминлаш;  
мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартнома сметага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига сметага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга қиради.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан \_\_\_\_ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан аванс ўтказади, бу **43 497 041 (қирқ уч миллион тўрт юз тўқсон етти минг қирқ бир )** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади ( -илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар қийматининг камида 45 фоизи миқдоридан;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдоридан, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи

томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш( таъмирлаш) майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитектқурилишназорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-

ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган сифат материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишчиликчиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### **IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

### **X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб \_\_\_ кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

### **XII. КАФОЛАТЛАР**

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида \_\_\_ ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида \_\_\_ ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имкони берадиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик суди томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолангандан ва Газначилик бошқармасидан руйхатдан утгандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди. Шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача.

#### XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ»

Пудратчи:

«40-сонли Санатория типдаги мактаб-интернат»

«Нодир қурилиш Таъмир» шўъба корхонаси.

Наманган шаҳар Якка-тут МФЙ А.Темур куча

Манзили: Наманган тумани Ғирвон ҚФЙ

Ш/хв-100021860144017092300075009

Х/Р: 20208000400509350001

Марказий банк Тошкент шаҳар бўлими

Банк реквизитлари: Инфин банк

МФО: 00014 ИНН-200099590

МФО: 01113. ИНН: 303467096.

ОКОНХ: \_\_\_\_\_



Рахбар

А.Абдулхаев

(Ф.И.Ш)



Рахбар

Ф.Ибрагимов  
(имзо)

Мазкур шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.09.2003 йилги 395-сон Қарори 3-иловасига асосан ишлаб чиқилган ва Фуқаролик Кодексининг ҳужалик шартномалари ҳақидаги умумий қоидалари 353-354 моддалари, Ўзбекистон Республикасининг 29.08.98 йилдаги №670-1 «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонунининг V-булим 31,32,34, моддаларининг талабларига жавоб беради.

Юрист

Усманов Р



O'zbekiston Respublikasi Namangan viloyati Namangan tumani

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestrda tartib raqami -

143

№

143

2015 yil 13 oktyabr

mazkur guvohnoma yuridik shaxs

Namangan tuman Nogironlar jamiyati qoshidagi  
"NODIR QURILISH TA'MIR" sho'ba korxonasi

(Yuridik shaxs bo'lgan dehqon va fermer ho'jaliklari uchun ajratilgan yer uchastkasi va uning maydoni ko'rsatiladi.)

ga berilgan		
Tashkiliy xuquqiy shakli	TXSH	190
Mulkchilik shakli	MSH (ФС)	148
Pochta manzili	MHOBT (COATO)	1714212554
Yuridik shaxs kodi	KTUT (ОКПО)	25704280
Soliq to'lovchning identifikatsiya raqami	STIR (ИНН)	303467096
Tarmoq kodi	XXTUT (ОКОХХ)	61110

Qo'shimcha ma'lumotlar Mazkur guvoxnomani qalbakilashtirish qat'iy ta'qiqlanadi.

Namangan tuman Nogironlar jamiyatining 19.09.2015 yildagi №01-sonli yig'ilish bayoniga asosan davlat ro'yhatidan o'tkazildi

M.O'

Vakolatli organ rahbari

( I m z o )

I.Boyhanov



РУЙХАТГА ОЛИНГАН  
Наманган туман Хокимлигининг Руйхатдан  
ўтказиш инспекцияси томонидан 2015 йил  
«13» *октябрь* даги *143* сонли тартиб  
рақами билан



ТАСДИҚЛАНГАН  
Наманган туман Ногиронлар  
жамиятининг 2015 йил «19» сентябрдаги  
умумий йиғилишининг № 01 сонли қарори  
билан



## НАМАНГАН ТУМАН НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИ ҚОШИДАГИ

# «NODIR QURILISH TA'MIR»

## ШЎЪБА КОРХОНАСИ

# НИЗОМИ

Тошбулоқ шаҳарча 2015 йил

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1.Келгусида «**Корхона**» деб номланган Наманган туман Ногиронлар жамияти қошидаги «**NODIR QURILISH TA`MIR**» шубба корхонаси Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида тузилган корхонадир.

1.2.Корхона юридик шахс бўлиб, мулкчилик ҳуқуқи асосида ўзига тегишли мол-мулкга, ўзининг мустақил балансига, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобларга, ўз номи ёзилган эмблемаси ёки корхона маркази туширилган думалок муҳри ва бурчак тамғасига эга бўлади.

1.3.Корхона ўз номидан шартномалар (контрактлар) тузиши, мулкӣ ва мулкӣ бўлмаган ҳуқуқ ва маъсулиятларга эга бўлиши, суд, ҳакамлик судида ва ҳолислар судида даъвогар бўлиб иштирок этиши мумкин.

1.4.Наманган туман Ногиронлар жамияти манзили: Наманган туман Тошбулок шаҳарчаси Мустақилликни 5 йиллиги кўчаси 5-уй. ИНН: 201595282 Наманган туман Ногиронлар жамияти х/р: 20212000600366268001. МФО: 00253.ОКОНХ: 98600."Агробанк" Тошбулок бўлими.

Корхонанинг жойлашган манзилгоҳи: *Наманган туман Ғирвон ҚФЙ, Ўрта Ғирвон МФЙ*

## 2.КОРХОНАНИНГ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ ВА МАҚСАДЛАРИ.

2.1.Корхона фаолиятининг асосий мақсади таъсисчисининг Низомида белгиланган мақсадларини амалга ошириш, давлат, жамоа ва хусусий корхоналар, муассасалар ва фуқароларга шартномалар асосида иш бажариш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобланади.

2.2.Корхона ўз мақсадларини амалга ошириш жараёнида қуйидаги йўналишларда фаолият олиб боради:

- Қурилиш, умум қурилиш, қурилиш монтаж ва шу йўналиш бўйича фаолият олиб бориш ишлари билан шугулланиш:

- Ёғоч маҳсулотларини қайта ишлаш, рўзгорбон, қурилиш, эшик ва деразалар таёрлаш сотиш;

- Матбуот дўконлари, аҳолига газета, журналлар сотиш шаҳобчалари ташкил қилиш;

- Уй-жойлар, корхона ва муассасалар биноларини таъмирлаш ва қуриш;

- Аҳоли ва ташкилотларга қурилиш, саноат, енгил саноат моллари ишлаб чиқариш ва сотиш;

- Аҳолига пуллик хизмат курсатиш ишлари билан шугулланиш:

- Заргарлик устахоналари ташкил этиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш:

- Тикувчилик, тикувчилик цехлари ташкил этиш ва уларда ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш:

- Пахта ни қайта ишлаш, пахта титиш цехлари ташкил этиш;

- Йигирув, тўқув цехлари ташкил қилиш;

- Акфа эшик, ромлар, деразалар таёрлаш ва урнатиш ишлари:

- Салкин чанкок босди ичимликлар, музқаймоқлар ишлаб чиқариш ва сотиш:

- Спорт анжомлари ишлаб чиқариш, олиб келиш, урнатиш тринажор заллари, спорт тугараклари ташкил этиш:

- Ишлаб чиқариш, омбор ва хом-ашё базаси учун карьерлар учун ер майдонлари олиш:

- Улгуржи ва чакана савдо, савдо-харид, тижорат ва воситачилик ишлари билан шугулланиш:

- Компьютер программаларини ишлаб чиқариш ва тадбиқ этиш, компьютерлар ва ташкилий техника воситаларини, ҳамда программа маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда сервис хизматларини курсатиш:

- Нусха кучириш ва купайтириш, компьютер ва оргтехника олиб келиш ва сотиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда урганиш хизматларини курсатиш:

- Алоқа ва уяли алоқа хизмати, интернет ва уяли алоқа карточкаларини тарқатиш ҳамда пайнетга улаш ва пайнет хизматлари курсатиш:

- Кампьютерлаштириш, дастурлар билан таъминлашда, полиграфия, ураш махсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида, ностандарт ускуналар соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқиш, тадбир этиш ва сотиш:

- «Ўзбекистон ҳаво йуллари» МАК билан, шунингдек МДХ ва хорижий мамлакатларнинг авиакомпаниялари билан «агентлик» битимлари асосида йуловчилар ваюкларни ҳаво орқали ташиш хизматларини курсатиш, ташувларни сотиш, авиакассалар сотиш:

- МДХ ва бошқа хорижий мамлакатларнинг авиа компаниялари, фирмалари ва ташкилотлари номидан ваколатхоналар тузиш, иш юритиш диллерлик фаолиятини олиб бориш:

- «Ўзбекистон ҳаво йуллари» МАК билан, шунингдек МДХ ва хорижий мамлакатлар авиакомпанияларининг ҳаво-кемаларидан фойдаланган ҳолда йуловчилар ва юкларни ҳаво орқали чартер йули ёки доимий рейслар бажариш йули билан ташиш ишларини ташкил этиш:

- Воситачилик хизматлари курсатиш:

- Экспресс-тулов қарточкалари савдоси билан шугулланиш:

- Мебеллар ишлаб чиқариш ва қайта таъмирлаш, гишт, хом гишт, бетон, темир бетон ва ёғочли махсулотлар ишлаб чиқариш:

- Бетон, темир бетон материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш ва сотиш:

- Аҳолига маиший хизмат курсатиш ва тегирмон хизмати курсатиш:

- Умумий овқатланиш шаҳобчаларини ташкил этиш: (ресторан, кафе бар, ошхона, тамаддихона ва. х.к.) :

- Кандолатчилик, нон, макарон ва кондитер махсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш (махсус лицензия олингандан сунг):

- Автомобилларга техник хизмат курсатиш, уларни тозалаш ва ювиш шаҳобчаларини ташкил этиш:

- Аҳоли ва ташкилотларга кино видео, компьютер хизмати курсатиш:

- Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш:

- Аҳоли ва ташкилотларга алоқа хизмати курсатиш, уяли алоқа хизматини ташкил қилиш, барча турдаги алоқа жиҳозлари (телефон турли улчамдаги кабел)ларни таъмирлаш ва савдоси билан шугулланиш:

- Аҳолига радио ва телевизорларни таъмирлаш хизматини курсатиш:

- Кишлоқ хужалик шу жумладан дон махсулотлари, боғдорчилик, паррандачилик, чорвачилик махсулотларини ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлаш, сотиб олиш ва сотиш:

- Ветеринария қоидаларига риоя қилган ҳолда чорва молларининг махсулдорлигини ошириш:

- Аҳолига ва ташкилотларга техника, автокран хизмати, юк ташиш ва йуловчи ташиш хизмати курсатиш: (махсус лицензия олингандан сунг)

- Узи ишлаб чиқарган махсулотларни ва бошқа товарларни сотиш учун савдо шаҳобчалари ташкил этиш:

- Узум, мева, сабзавот ва бошқа кишлоқ хужалик махсулотларини бирламчи қайта ишлаш, сок, сульфа, сусло, шарбат, қиём, концентрат ишлаб чиқариш, консерва ва қуритилган ҳамда бошқа турларда қайта ишлаш, кадоклаш, сотиш:

- Миллий хунармандчилик фаолиятини юритиш ва ишлаб чиқариш:

- Иккиламчи хом-ашё материалларини қайта ишлаш ва тайёр махсулот ишлаб чиқариш:

- Аҳолига маиший хизмат курсатувчи шаҳобчалар ташкил этиш: (Сартарошхона, гузаллик салони, косибчилик)

- Автомобилларга техник хизмат курсатиш, уларни тозалаш ва ювиш ҳамда тухташ шаҳобчаларини ташкил этиш:

- Спорт тугараклари тринажор зали, футбол, кураш, бокс, тайбокс, кул жанги, валејбол, футбол майдончаси ташкил этиш:

- Темир, пластмасса, ёғоч материалларидан буюмлар (эшик, дарвоза, панжара, тусик, савдо витриналари ва бошқалар) ишлаб чиқариш ва сотиш:

- Турли гул кучатлари, мевали ва мевасиз кучатлар етиштириш ва уларни сотиш:

- Иссиқхоналар ва музхоналар ташкил этиш, техника хизмати курсатиш:

- Сув иншоотлари қуриш, уларни таъмирлаш ва анжомларини олиб қелиш ва сотиш:

- Салқин ичимликлар (квас ва бошқалар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш:

- Уй-рузгор, электр асбоб ускуналарини таъмирлаш устахоналари ташкил этиш:

- Корхонани ижарага бериш, ижарага олиш, янги техника ва технология ҳамда «ноу-хау»ларни яратиш ва уларни сотиш, олиш ва эгаллик қилиш:
- Аҳоли ва ташкилотларга металдан хар-хил буюмлар таёрлаш ва сотиш: (дарвозо, решотка)
- Совун цехи ташкил қилиш:
- Амалдаги конунларга асосан қушма корхоналар ташкил этиш:
- Чет мамлакатлар ва МДХ давлатлари билан белгиланган тартибда савдо иктисодий алоқалар урнатиш, ҳамкорликда қушма корхоналар очил:
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари билан таъжикланмаган барча фаолият турлари билан шугулланиш.

### **3.КОРХОНАНИНГ МОЛ-МУЛКИ.**

3.1.Корхонанинг мол-мулки асосий ва айланма маблаглар, баҳоси корхонанинг мустақил балансида акс этадиган бошқа кимматликлар асосида ташкил этади.

3.2.Корхонанинг мол-мулкни ташкил топиш манбаи булиб қуйидагилар ҳисобланади:

- таъсисчининг Устав фондига қушган хиссаси:
- Махсулот сотиш, хизматлар ва ишлар бажариш натижасида олинган, шунингдек бошқа турдаги хужалик фаолияти натижасида олинган даромадлар:
- Банк ва бошқа қарз берувчиларнинг маблаглари:
- Корхона, ташкилот ва фуқароларининг хайрия ёки ҳадялари:
- Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги билан таъжикланмаган бошқа тушумлар:

3.3.Корхона Наманган туман Ногиронлар жамияти таъсисчилигида **500 000** (Беш юз минг) сум миқдорида Низом фондига эга:

3.4.Корхонанинг пул маблаглари, уни банк муассасаларидаги жорий ҳисобларида сақланади. Ҳисоб ҳисобларини очиш ва улар орқали ҳисоб-китоб операцияларини бажариш амалдаги конунчиликка мувофиқ олиб борилади.

3.5.Корхона таъсисчи томонидан берилган мол-мулкни таъсисчининг розилигисиз бошқа шахсга утқиши мумкин эмас. Корхона ўз даромади ҳисобидан олган қуча рва қучмас мулкларни сотишга, ижарага беришга, алмаштиришга ҳақли.

3.6.Корхонанинг мулкӣ ҳуқуқларини фуқаролар, юридик шахслар ва давлат органлари томонидан бузилиши оқибатида унга етказилган зарарлар суд ёки ҳакамлар судининг қарори билан корхона фойдасига ундириб олинади. Корхона узининг мажбуриятлари юзасидан факат ўз мол-мулки доирасида жавобгар булади.

Корхона ўз мол-мулки билан узининг таъсисчисини ва узини тузган юридик шахсларни мажбуриятлари учун жавобгар булмайди. Корхонанинг таъсисчиси корхона мажбуриятлари учун жавобгар булмайди. Шунингдек корхона томонидан тузилган юридик шахсларнинг ва унинг мажбуриятлари учун жавобгар булмайдилар.

### **4.КОРХОНА МАБЛАГЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ.**

4.1.Махсулот сотишдан келиб чиққан маблаглар ва бошқа тушумлардан моддий ва унга тенглаштирилган сарф харажатлар чиқариб ташланади, давлат бюджетига тегишли ажратмалар ажратилади, банк қредитлари учун фойзалар (процентлар) табиий ресурслар фойдаланганлиги учун туловлар туланади.

Қолган соф даромад тулалигича корхона ихтиёрига утади. Корхона бу маблагларни ишлатиш йуналишларини мустақил узини белгилайди.

Корхонанинг соф (фойда) даромади ҳисобига қуйидаги фондларни ташкил этади:

- Ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди:
- Мехнат ҳақи фонди:
- Ижтимоий ривожлантириш фонди:
- Захира (резерв) фонди:

Қурсатилган фондларни ташкил этиш. Уларнинг миқдори ва фойдаланиш тартиби, агар амлдаги конунчилик билан узгача тартиб қузда тутилмаган булса, ушбу Низом ва корхона директорининг қарори (буйруги) билан белгиланади.

4.2.Шартнома мажбуриятларини, қредит, ҳисоб-китоб ва солиқинтизомини бузганлиги, ҳом аше ва махсулот сифатига булган талабни, хужалик юритиш ва бошқа қоидаларини

бузганлиги учун корхона конунчилик билан кузда тутилган тартибда тула мулкий жавобгар булади.

4.3. Корхона билан таъсисчи уртасида тузилган шартномага асосан олинган соф фойдадан хар чорак якуни билан 5 фоиз микдорида маблаг утказиб беради.

## **5. КОРХОНАНИНГ ХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИ.**

5.1. Корхона тула хужалик хисобида узини-узи маблаг билан таъминлаш принципларида фаолият курсатиб, ишлаб чикариш тузилишини ва хажмини, уни режалаштириш, ташкил этиш, махсулот (хизмат) ни сотиш фаолиятини узи белгилайди.

Режалар асоси корхонанинг шартномалари хивобланади. Корхона режаси корхонанинг директори томонидан тасдикланади.

5.2. Корхонанинг бошка корхоналар, такилотлар, муассасалар ва фукаролар билан буладиган хужалик муносабатлари шартномага асосланади. Корхона шартнома предметини танлашда, мажбуриятини анилайди ва бошка хужалик муносабатлари шартларини урнатишга эркиндир.

5.3. Корхона бозор талабларини, шерикларининг имкониятларини урганиш, нарх-навонинг узгариши ткрисидаги ахборотлари асосида уз ишлабчикариш таъминотини бозорларда бевосита ёки воситачи оркали олди-сотди, махсулот сотишни ва узи ишлаб чикариш таъминотини мустакил амалга оширади.

5.4. Корхона курсатилган хизмат учун мустакил урнатилган ёки келишилган бахога асосан, айрим холларда эса конунда курсатилган давлат бахоси буйича пул олади. Махсулот ва хизматга урнатилган нархлар шунга кетган умумий харажатларни ифодалашни керак.

5.5. Корхона узининг иш натижаларини куриб бориши учун оператив ва бухгалтерлик хисоб-китобини ва статистика хисобини юргизиб боради.

5.6. Давлат статистика хисоботи шакилларини Давлат статистика идоралари белгилайди ва унга хакикий маълумотлар каерга, качон етказилиши киритилади. Давлат статистикаси томонидан курсатилмаган маълумотларни корхона шартнома асосида ёки бошка органлар талаби буйича етказиши мумкин.

5.7. Корхонани ишлаб чикаришга, бошкаришга ва бошка фаолиятларига оид маълумотларда давлат сири булмаган корхонанинг тижорат сири булиши мумкин. Буни ошкора килиниши корхона фойдасига, амалга оширадиган ишига путур етказиши мумкин.

Тижорат сири булган маълумотларни таркиби ва хажми, уларни саклаш тартибларини корхона рахбари аниклайди.

5.8. Корхона уз фаолиятини куйидаги асосда амалга оширади:

- юридик шахслар оркали хисоб китоб раками йули билан:
- шартномада курсатилишига кура фукаролар ва юридик шахслар билан нақд хисоблашиш:

## **6. КОРХОНА СТРУКТУРАСИ ВА БОШКАРУВИ.**

6.1. Корхонани бошкариш ушбу Низомга мувофик олиб борилади. Корхонанинг бошкариш структураси, метод ива формалари, штатлари таъсисчи томонидан белгиланади ва тасдикланади.

6.2. Корхона фаолиятини бошкаришни таъсисчи томонидан тугридан тугри ёки ваколатли вакили оркали олиб боради.

6.3. Корхона фаолиятини амалга ошириш ва корхонани тезкорлик билан бошкариш учун таъсисчи томонидан директор ва бош хисобчи тайинланади вабушатилади.

6.4. Корхонанинг ишлаб чикариш ва молия-хужалик фаолиятини назорат килиш унинг директори томонидан олиб борилади.

Корхонани молия-хужалик фаолиятини тафтиш килиш таъсисчининг карорига асосан йилига ками да бир маротаба утказилади. Бунинг учун у шартнома асосида махсус ихтисосланган ёки аудитор ташкилотлархизмтидан фойдаланиши мумкин.

6.5. Комплекс илмий тадкикот ишларини бажариш вактида корхона фаолиятига бошка корхона ходимлари, мураккаб тадкикотлар утказиш, хисоблаш ишлари, конструкторлик ва консултатив ишларини бажариш учун шартнома асосида жалб килинадилар.

6.6. Конунчилик билан корхоналар фаолиятини алохида томонларини текшириш хукуки берилган солик ва бошка давлат органлари, бундай текширишларни заруриятига караб ва факат уз ваколатлари доирасида олиб боришади.

Корхона директори бу органларнинг ваколатларига кирмайдиган ва текширув предметига алоқаси булмаган материаллар билан таништириш хақидаги талабларни рад этиши ва бажармаслиги мумкин.

## **7. КОРХОНА МЕХНАТ ЖАМОАСИНИНГ ХУКУКИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

7.1. Корхона меҳнат жамоасини меҳнат шартномаси асосида уз меҳнати билан катнашадиган барча фуқаролардан ташкил этади.

7.2. Меҳнат жамоаси аъзоларининг мажбуриятлари:

- Низом ива ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиш;
- виждонан меҳнат қилиш ва меҳнат интизомини сақлаш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, бажарилаётган ишлар ва қусатилаётган хизматлар сифат даражасида бўлишини таъминлаш.

7.3. Меҳнат жамоаси аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- корхона имкониятлари ва ходимларнинг малакасини ҳисобга олган ҳолда иш билан таъминланишига;
- қилинган меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб, корхона фойдасидан иш хақи олиш;
- дам олиш кунларига, шунингдек давлат корхоналари ишчи ва хизматчилар учун белгиланганидан кам булмаган, пул туланадиган йиллик меҳнат татилига эга бўлиш;
- ижтимоий сугурта ва ижтимоий таъминотга;
- қонунчилик билан назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга.

## **8. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ.**

8.1. Корхона ишчи ходимлари амалдаги қонунчилик билан давлат корхоналари ишчи ходимлари учун белиглаб қуйилган тартиб ва шартларда ижтимоий ва тиббий сугурта қилинишлиги ва ижтимоий таъминланиши лозим.

Корхона амалдаги қонунчилик билан бегиланган тартиб ва миқдорларда ижтимоий ва тиббий сугурта фондига ва пенсия фондига бадаллар тулаб боради, корхона ташкил этилгандан сунг бир ойлик муддат ичида сугурта қилдирувчи сифатида руйхатдан утади.

8.2. Корхона барча ишчи ходимлар учун бехатар меҳнат шароитлари яратилишини таъминлайди ва уларга соғлиқларига ҳамда меҳнат қобилиятларига зарар етказганликлари учун жавобгар бўлади.

## **9. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ.**

